

ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАДА НАЗОРАТ БЎЙИЧА ДАВЛАТ
ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ
БЎЙРУҒИ

53 Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан техник
фойдаланиш қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшимча
киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил
31 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1383-2*

(2012 йил 10 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 августдаги ПҚ–1396-сонли «Геология-разведка ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизими самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 35-36-сон, 301-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлигининг 2004 йил 21 майдаги 207-сонли буйруғи (рўйхат рақами 1383, 2004 йил 9 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 27-сон, 317-модда) билан тасдиқланган Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан техник фойдаланиш қоидаларига иловага* мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Бошлиқ

А. НИМАТУЛЛАЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 17 январь,
1-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.